

Оила Ҷамияти

50
сон

1997 йил
10 - 16
декабр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Президентимиз И.А.Каримов томонидан «1998 йил — Оила йили» деб эълон қилиниши оилам, болам, аҳли аёлим дея қалбининг энг муқаддас жойида оила — инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила — бахт келтиради, дея ардоқлаб юрган оила-парвар ўзбек элини тўлқинлантириб юборди.

Оила — деган энг нузли тасаввур давлат миқёсига олиб чиқилиши Буюк келажак сари яна бир залворли қадам бўлди.

Чунки, оила — кишилик ҷамиятининг бошланиши.

Одам Ато ва Момо Ҳаво оналаримиз ҳам илк ҷамиятни барпо қилишларидан аввал оила курган эдилар. Аниқ манбаларда айтилишича ўшандан буён неча-неча асрларки ҳар бир келин-куёв никоҳи

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

яратганининг табарруқ китоби бўлмиш Лавҳул-Маҳфузда қайд этилар, рўйхатдан ўтказиларкан, шу маънода бир оила бузилганда Аллоҳнинг арши титрайди, дея бежиз айтишмайди.


Пайгамбаримизнинг «Оила қуриб кўпайинглар, қиёмат куни мен сизларнинг кўпчилигингиз билан фахрланаман», дейишлари, юртбошимиз ушбу соҳада юргизаётган сиёсат билан давомийлашиб кетадик, юртбошимизнинг 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилишларидан мақсад мустаҳкам оила буюк келажак пойдевори — дастурини олға юргизмоқдир.

Ишонамизки, 1998 йилда ота-онанинг фарзандлар, маҳалла-кўй қошидаги қадрли яна бир поғона кўтарилади. Оила деган муқаддас тушунча кенг ва

қамровли тарғиб қилинади. Фарзандлар тарбияси махсус эътиборда бўлади. Туғилишлар сони ортади. Соғлом авлод учун кураш янада улугворлик касб этади. Оилавий ажримлар кескин камайиб кетади. Балоғат ёшига етиб, аммо «ола хуржун бўйнимга тушади» деган нотўғри тушунча тўғайли бу ишдан қочиб юрганларга тезроқ уйланишлари учун моддий ва маънавий ёрдам берилади.

Зеро, Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан савалган».

Биз, шундан келиб чиқиб тинчлик-осойишталикни, миллий фаровонликни, оила ободлигини муқаддас сановчи элимизга қарата 1998 йил — «Оила йилингиз» қутлуг бўлсин деймиз.



Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна давом этаяпти! Барчангиз учун сеvimли "Оила ва ҷамият" газетаси сизларга мунтазир.

Уттан ҳафтада «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси томонидан бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Ноғиронлар кунига бағишлаб «Туркистон» саройида ўтказилган кечада бир гуруҳ ноғиронларга «Мейра» фирмасида ишлаб чиқарилган аравачалар, афғончи ноғиронларнинг «Медва» реабилитация марказига, болаларнинг 2-Меҳрибонлик уйига, қузи ожиз болалар республика махсус мактаб-интернатига дори-дармонлар тақдим этилди.

ҲИММАТ

101-мактаб-интернатга эса иссиқ кийимлар, пойафзаллар, зарур дори-дармонлар ҳада қилинди. 1-Меҳрибонлик уйида ўтказилган ажойиб концертнинг ташкилотчиси ва ҳомийси ҳам «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлди.

Германиянинг федерал мудофаа вазирлиги ва жамғарма уртасида ҳамкорлик туғрисида

шартнома имзоланган эди. Шу шартнома асосида Германиядан келтирилган флюорография аппарати Пулмонология ва фтизиатрия институтига топширилди. Ушбу маросимда Германиянинг республикамиздаги фавкуллода ва мухтор элчиси Райнхард Биндзайл жаноблари иштирок эди.

Ахборот

Ўз мухбиримиз

ГУЛИСТОНДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Хабар

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатда теннисни ривожлантиришга доир қарорини бажариш борасида вилоятларда, хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда, спортнинг бу турига бўлган эътибор янада кучаймоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳомийлигида Гулистон шаҳридаги «Динамо» теннис кортида ўтказилган мусобақа ҳам айнан шу қарорни бажаришга қаратилган тadbирлардан бири бўлди.

Беш кун давом этган «Болалар ва усмирлар турнири»да уғил ва қиз болалар орасидаги энг кучли теннисчилар аниқланди. Қизлар беллашувида биринчи уринни Э. Алиева эгаллади. Уғил ҳакам уртасидаги беллашувда эса Ноил Ҳакимовнинг олдига тушадигани тоғилмади.

Мусобақа якунида қатнашчиларнинг барчасига «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг дипломлари ва қimmatбахó совгалари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз



Бир суратга тушиб қўйя

«Хайри ишлардан четда эмасмиз»

Ибрат

Газетамиз муассиси — Ўзбекистон Болалар жамғармасида бўлган бир йиғинда «Такли Макон» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси томонидан қатор хайри, саховатли ишлар амалга оширилаётгани, жамғарма ва фирма ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳақида гап кетди. Шу баҳона бўлди-ю, бизда фирманинг фаолияти билан яқиндан танишиш истаги уйғонди ва қўшма корхона бош директори Хабибулло Абдуқолир, директор Илдон Дулат ва директор муовини Абдулла Барасевлар билан суҳбатлашдик.

— Хабибулло ака, «Такли Макон»нинг фаолият бошлаганига қанча бўлди?

— Иш бошлаганимизга ҳали унча куп вақт бўлгани йўқ. 1997 йил июл ойида фирмамизни руйхатдан ўтказиб, савдо ишларига киришдик.

— Фаолият юритиш учун Ўзбекистон бозорини танилаётганингизга сабаб нима?

— Аввало, республикадаги сийёсий, иқтисодий барқарорлик, хорижлик ишбилармонлар учун катта имкониятлар очилганиги, солиқ тизимидаги имтиёзларни айтиб ўтишни истардим. Шу ниятда олдин маҳаллий бозордаги талаб, истак ва эҳтиёжни ургандик, буни бошқача қилиб маркетинг ҳам дейишади. Сунг шунга қараб ишни бошлаб юбордик. Бир вақтлар карвонлар кўнги-роғи жаранглаган Буюк ипак йўлида яна савдо-сотик ишлари жонланаётганидан мамнунмиз.

— Асосан қандай маҳсулотлар келтириб сотасизлар?

— Газмоллар, тайёр кийимлар ва пойафзалларнинг улгуржи савдосини йўлга қўйганмиз. Хитойдаги снгил саноат корхоналари билан тўғридан-тўғри шартномаларимиз бор.

Шунинг учун биз таклиф этаётган маҳсулотларнинг нархи анча арзон. Яъни харидорларимизга Хитойга бормай туриб ҳам уша ернинг нархида маҳсулот харид қилиш имкониятини яратганмиз.

— Хабибулло ака, кўнчиликнинг шуурида «Хитойда ишлаб чиқарилганими, демак сифатсиз», деган фикр бор. Шунга нима дейсиз?

— Кичик цехлар, майда кооперативлар борки, улар баъзан машҳур фирмаларнинг номдор маҳсулотларини қалбақлаштириб, сифатсиз чиқарган маҳсулотлари билан харидорни ранжитишади. Биз эса боя айтганимиздек, фақат йирик, уз обрўйи учун қайгурадиган фабрикалардан маҳсулот келтирамиз ва уларнинг барчаси сифат сертификатига эга. Утган олти ой ичида харидорларимиздан маҳсулотларнинг сифати масаласида бирорта шикоят тушмагани ҳам сузларимнинг исботи бўла олади.

Қўшма корхонанинг жонкуяр раҳбарларидан бири Илдон Дулатга ҳам бир неча савол билан мурожаат этдик.

— Республикада сизларга рақобатчи фирмалар ҳам борми?

— Албатта, бор. Биз улар билан соғлом рақобат асосида иш юритамиз. Яъни ким арзон ва сифатли маҳсулот таклиф этса, уша фирманинг мижозлари купаяди. Худога шукур, утган ойлар ичида доимий ҳам-

корлар, харидорлар топдик. Энг асосийси улар билан уртамизда ишонч пайдо бўлди.

— Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрмайсизларми?

— Бу борада ҳам режаларимиз йўқ эмас. Тикувчилик цехлари ташкил этиб, шу ернинг узида тайёр кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Абдулла Барасев қўшма корхонанинг саховатли ишлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Болалар жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганмиз. Унга асосан йилнинг ҳар чорагида фойдамизнинг икки фоизини жамғарма ҳисобига ўтказамиз ёки хайрия тadbирлари учун шунча миқдорда тайёр маҳсулотлар тақдим этамиз. Жамғарманинг турли тadbирларига ҳам баҳоли қудрат бош қўшамиз.

Бундан ташқари заиф эшитувчи болаларнинг 106-мактаб-интернатини оталиққа олганмиз. Интернатга 150 минг сумлик кийим-кечак ҳадя этдик. Шу ерда тикувчилик цехи очдик. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар келтириб урнатилди. Хом ашё билан ҳам фирмамиз таъминлайди. Тайёр маҳсулот сотувидан келган фойданинг 70 фоизи эса интернат ихтиёрида қолади.

Ташкил этилганига оз фурсат утган эсада, фирмамизни мана шундай хайрли ишларга ундаётган куч нима? Буни мен бир суз билан мусулмончилик деб айтган булар эдим. Қолаверса, шу юртда эмин-эркин иқтисодий фаолият юритишимиз учун шунча имкониятлар яратилган экан, биз ҳам Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қилсак деймиз!

Дармон ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди.

Сабрсиз одамлар учун Исроилда анчагина ноқулай аҳвол юзага келадиган бўлди. Тоқат қилиб кутиш, узингизга маълум, ҳар кимнинг ҳам қулидан келавермайди, айниқса, жамоат жойларида навбатда турганда.

Исроил кнессетида (парламент) депутат Авраам Поразнинг таклифи билан киритилган гаройиб қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётир. Бу қонун лойиҳасига қўра, жамоат жойларда навбатда турганларни писанд қилмай, қаторнинг олдинга суқилиб кирган киши судга берилади ва жиноий тартибда уч ойгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

— Навбатда туриб кутиш барча тараққий этган мамлакатларда норма ҳисобланади, — дейди бу қонун лойиҳаси муаллифи, — навбатда турмай узини олдинга урган киши моҳиятан навбатда турган бошқа кишиларнинг ҳуқуқига тажовуз қилган бўлади.

Яқинда автомобил ҳалокатидан ҳалок бўлган Уэльс кироличаси Диананинг акаси граф Чарльз Спенсер сингли-

сининг маросимида Чарльз Диананинг ҳалокатига киролик оиласи айбдор, деган гапни Елизавета Иккинчидан ҳечам ҳайқмай айта олганди. Бироқ орадан уч ой утар-утмас журъатли графининг оргирган обрусига пугур ета бошлади — хотини билан ажралиш жараёнида, яъни иш судда қурилаётганда хотини Виктория унинг бапшарасини очиб тапшлади ҳисоб. Судда Викториянинг маълумот беришича, Чарльз Спенсер охириг ойнинг узида 12 марта уйнашларини алмаштирган экан. Оила қурганига 8 йил бўлган, 4 фарзанднинг отаси, яқингинада далил туриб қироликни айблашга журъат этган граф обрусини қайта тиклаб олади — йўқми —буни вақт курсатади.

Украинанинг 12 вилоятидаги руҳий хасталиқлар касалханаларининг беморларига янги бир «қулайлик» яратиладиган бўлди. Эндликда беморлар кенг — мул халатларда судралиб юришмайди, балки... ҳарбий форма кийишади. Ҳарбий кийим кечак эса чет элники! Германия бу руҳий касалликлар шифохоналарига гуманитор ёрдам



сифатида мундир ва галифе (шим) жунатган. Ҳарқалай, ҳарбий кийимда беморлар узларини кумондон ҳис қилиб, руҳан тетиклашиб кетса, ажабмас деб эсади «Труд» газетаси.

Белоруссиянинг Гомель шаҳридаги тиббий-генетика маркасида «пробирка» орқали пайдо қилинган 20 нафар бола тутилган.

Улар одатдаги чақалоқлардан фарқ қилмайди, айни пайтда ҳаммаси соғ-саломат. Бу «заргарона» юмуш анча қimmat — минг доллар туради, шундан тўққиз юзи гармонлар ва ишла-тиладиган зарур материаллар олиб келиш учун Австрия, Германия ва Голландияга жунатилади.

Белоруссиялик эркаклар бу «тадбир»дан ҳафа бўлсалар ажаб эмас. Ахир, чет эллик «бола ишлаб чиқарувчилар»дан уларнинг қасри кам. Улар долларга

туғиб берилган ҳамюртлари — аёлларга бу ишда ёрдамлашишга қурблари етиштига ҳеч ким шубҳа қилмас керак...

Яқинда АҚШнинг Иллиной штатидаги саноат корхоналарининг минг нафар раҳбари орасида талқидол олиб борилди. Маълум бўлишича, фирма эгаларининг атиги бир фоизигина уз хизматчиларига бир йил давомида 20 кунлик ҳақ туланидиган таътил берар экан. Қолган 99 фоиз фирма уз ҳисобидан хизматчиларга йил давомида бир марта икки ҳафта муддатта таътил бераркан. Фирмаларнинг 36 фоизиде эса хизматчилар 10 йил ишлагач, ана шундай имкониятга эга бўлишади. Бу фактлар бутун Америка учун хос хусусият. Америкалик иш жойида йил давомида 1.750 соат меҳнат қилади. Америкалик бир йилда ишлаб топган даромадининг 4 фоизини дам олишга сарфлайди, 28 фоизини уй-жойга, 9 фоизини солиққа, 8 фоизини пенсия фонди ва сугуртага тулайди. 12 фоизи эса еб-ичишга ва яна шунча маблағ транспортга сарф бўлади. Уртаҳол амрикалаик болаларини Диснейлендга томошага олиб бо-

риш учун йил буйи пул йиғади.

Аксарият амрикалаиклар 60 ёшдан кейин, яъни нафақага чиққанда анча бойиб қолишади, уларнинг умр буйи ишлаб, нафақа фондига ўтказишган 8 фоиз иш ҳақи сайру саясида талқидол олиб борилди. Маълум бўлишича, фирма эгаларининг атиги бир фоизигина уз хизматчиларига бир йил давомида 20 кунлик ҳақ туланидиган таътил берар экан. Қолган 99 фоиз фирма уз ҳисобидан хизматчиларга йил давомида бир марта икки ҳафта муддатта таътил бераркан. Фирмаларнинг 36 фоизиде эса хизматчилар 10 йил ишлагач, ана шундай имкониятга эга бўлишади. Бу фактлар бутун Америка учун хос хусусият. Америкалик иш жойида йил давомида 1.750 соат меҳнат қилади. Америкалик бир йилда ишлаб топган даромадининг 4 фоизини дам олишга сарфлайди, 28 фоизини уй-жойга, 9 фоизини солиққа, 8 фоизини пенсия фонди ва сугуртага тулайди. 12 фоизи эса еб-ичишга ва яна шунча маблағ транспортга сарф бўлади. Уртаҳол амрикалаик болаларини Диснейлендга томошага олиб бо-

риш учун йил буйи пул йиғади. Аксарият амрикалаиклар 60 ёшдан кейин, яъни нафақага чиққанда анча бойиб қолишади, уларнинг умр буйи ишлаб, нафақа фондига ўтказишган 8 фоиз иш ҳақи сайру саясида талқидол олиб борилди. Маълум бўлишича, фирма эгаларининг атиги бир фоизигина уз хизматчиларига бир йил давомида 20 кунлик ҳақ туланидиган таътил берар экан. Қолган 99 фоиз фирма уз ҳисобидан хизматчиларга йил давомида бир марта икки ҳафта муддатта таътил бераркан. Фирмаларнинг 36 фоизиде эса хизматчилар 10 йил ишлагач, ана шундай имкониятга эга бўлишади. Бу фактлар бутун Америка учун хос хусусият. Америкалик иш жойида йил давомида 1.750 соат меҳнат қилади. Америкалик бир йилда ишлаб топган даромадининг 4 фоизини дам олишга сарфлайди, 28 фоизини уй-жойга, 9 фоизини солиққа, 8 фоизини пенсия фонди ва сугуртага тулайди. 12 фоизи эса еб-ичишга ва яна шунча маблағ транспортга сарф бўлади. Уртаҳол амрикалаик болаларини Диснейлендга томошага олиб бо-

риш учун йил буйи пул йиғади. Аксарият амрикалаиклар 60 ёшдан кейин, яъни нафақага чиққанда анча бойиб қолишади, уларнинг умр буйи ишлаб, нафақа фондига ўтказишган 8 фоиз иш ҳақи сайру саясида талқидол олиб борилди. Маълум бўлишича, фирма эгаларининг атиги бир фоизигина уз хизматчиларига бир йил давомида 20 кунлик ҳақ туланидиган таътил берар экан. Қолган 99 фоиз фирма уз ҳисобидан хизматчиларга йил давомида бир марта икки ҳафта муддатта таътил бераркан. Фирмаларнинг 36 фоизиде эса хизматчилар 10 йил ишлагач, ана шундай имкониятга эга бўлишади. Бу фактлар бутун Америка учун хос хусусият. Америкалик иш жойида йил давомида 1.750 соат меҳнат қилади. Америкалик бир йилда ишлаб топган даромадининг 4 фоизини дам олишга сарфлайди, 28 фоизини уй-жойга, 9 фоизини солиққа, 8 фоизини пенсия фонди ва сугуртага тулайди. 12 фоизи эса еб-ичишга ва яна шунча маблағ транспортга сарф бўлади. Уртаҳол амрикалаик болаларини Диснейлендга томошага олиб бо-

КУПЛИГИНГИЗ — ФАХРИМДИР

(ҳадислар)

Қалб доимо узғариб туриши сабабли қалб, деб аталган. Гуёки у саҳродаги бир шохчага илиниб қолиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилаётган барг кабидир.

Никоҳ ила турмуш қуриб, купайинлар. Зеро, мен қиёмат кунни бошқа умматлар олдидан сизларнинг куплигингиз билан фахрланаман.

«Салом» Аллоҳнинг срадаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринлар. Зеро, мусулмон киши одамлар олдидан утиб бораётгани уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга бари

бир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади.

Муъминлар узаро дусланишда, раҳму-шафқатда ва меҳру-оқибатда гуёки бир тананинг аъзоларидир. Унинг бирор аъзоси огривса, унга қушилиб қолган аъзолари ҳам бедорлик ва ҳарорат билан алам чекади.

Хотинингта берган овқатинг ҳам сен учун садақадир. Хотинингнинг огзига тутган луқмада ҳам сен учун савоб бор.

Бир миллатнинг ишлари ноаҳил кишилар қўлига тушиб қолса ёки топширилса, шу миллатнинг қиёмат соатини кутиб туринг.

Жавоҳирот

Рашк — иймондан. Рашксизлик мунофиқлик аломатидир.

— Уйда олтиларингизни сақламанглар, — деди Расулуллоҳ.

— Унда нима асрайлик, — дейишди саҳобаи киромлар.

— Аҳли аёлингизни, — деди Сарвари Коинот.

Икки киши бир-бири билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриб, биттаси вафот этса ёки иккаласи ҳам ярашиб олмай, шу ҳолда улса, албатта иккиси ҳам ҳалокатга (Оллоҳнинг қаҳрига) йўлиқади. Қайси бир қушнинг уз қушнисига зулм қилиб, уни уз ҳовлисидан чиқиб кетадиган ҳолатга келтирса, албатта ҳалокатга учрайди.

Тўловчи Анвар ТУРСУН,
Янгиобод жомъе масжиди имоми



Мен баҳорни соғиниб кетдим

- Қаноат — бойимокнинг бошланишидир.
- Қурслик билан юмшоқлик орасида, ҳали инсон етиб улгурмаган масофа бор.
- Вақт — умрнинг утиб бораётганидан дарак беради.
- Қуз — инсон аъзойи баданининг гавҳари ҳисобланади.
- Индамасдан кетишлик, қуришишликни хоҳламасликдандир. Хайрлашмоқ эса, ҳали яна кўп қуришмоқликдан далолат беради.

Зулфия АҲМАДНАЗАРОВА

Илоҳий ифода билан айтганда, тудак — ҳаёт зийнатидир. Шундай экан, фарзандларимизни ҳам севшимиз, ҳам севинтиришимиз, уларга муқамал тарбия беришимиз лозим.

Муҳаммад (с.а.в.) болаларни жуда севардилар. Уларнинг яхши тарбия олишини, ҳақларига риоя қилинишини алоҳида эътибор ила воёга етказилишини истар ва шунга амр этар эдилар. Бир кун неваралари Ҳазрати Ҳасанни утиб, эрқалатастналарини бола севгисидан бебаҳра бир бадавий қуриб: «Эй, Расулуллоҳ! Менинг унта болам бор, аммо ҳеч бирини сизчалик суймаганман», — деганида, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сенинг кунглигини Оллоҳ севгидан маҳрум қилган бўлса, мен нима ҳам қила олар-

ЭРКАЛАТ... ЭРКАТОЙ ҚИЛМА

Одобнома

дим», — деб жавоб қилдилар... Бу билан фарзанд севгисининг ҳам Оллоҳ берган луффи ва неъмат эканлигини англатдилар. Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида: «Марҳамат қилмаганга марҳамат қилинмас», — деб уша давр болаларига нисбатан қўлланилган тарбия тарзини рад этдилар. Дуслари ҳам буюк расулнинг йўлидан бордилар. Исломининг иккинчи халифаси Ҳазрати Умар (р.а.) бошчилигидаги мажлисда бир одамни вакил қилиб тайинлаш масаласи муҳокама қилинаётганда, ичкарига бир бола кириб келди. Ҳазрати Умар (р.а.) уни эркалаб, кучоғига олди. Буни кўрган валийликка даъвогар киши: «Эй, ами-

рал-муминин! Бу сизнинг углингизми?» — деб суради. Ҳазрати Умар (р.а.): «Йук, отаси газавотда шаҳид бўлган етимчадир», — деди. Бундан ҳайрон бўлган даъвогар: «Сиз давлат бошқони булатуриб бегона болани севиб эрқалаясиз. Холбуки мен фарзандимдан ҳеч бирини ҳам бунчалик эрқалатмаганман», — деди.

Буни эшитган Ҳазрати Умар (р.а.): «Уз фарзандига яхши муносабатда бўлмаган одам қул остидагиларга қандай қилиб хушмуомала буларди. Сени валийликка тайинлаш фикримдан қайтдим», — деди.

Бу хусусда Пайғамбаримиз шундай марҳамат қилдилар: «Кичикларни севмаган, катталарни ҳурмат қилмаганлар биздан эмасдир, жаннатда бир кўп-кўр бордир, у фараҳ — севиш қушқидир. У ерга фақат болаларни севган, севинтирганларгина қиради. Фарзанд жаннат чечакларининг хушбуйидир.» Фарзанд севгиси унинг тарбиясига салбий таъсир этмаслиги керак. Афсуски, баъзи ота-оналар фарзандини эрқалайман деб... эрқатой қилиб қуйишади. Бунга эҳтиёт бўлиш керак.

Ширин АБДУЛЛАЕВА
тайёрлади

САБР ҚИЛСАНГ...

Оқибат

Инсон борки, узидан бир зуррияд қолдириб яшашни орзу қилади. Баъзи ёш оилаларда йил утиб чақалоқ йиғиси эшитилгани ҳолда айрим оилалар буни йиллаб кутадилар. Айнан шу сабаб баъзан кунгилсизликлар ҳам келиб чиқади. Умид билан бирга яшаётган икки ёшнинг турмуши бузилади. Бу ҳол биринчидан келин-куёвнинг шошқолоқликлари, иккинчидан теварак-атрофдагиларнинг булар бўлмаста бировнинг оиласига аралашверишлари, яъни «ҳали ҳам фарзанд бўлмадим, ажратиб юборинг, бошқасига уйлантиринг», — деган гаплари орқали содир бўлади. Ақл билан иш қуриб, бундай гапларга эътибор бермай, умидсизликка тушмай меҳр-оқибатли бўлиб яшаётганлар вақти келиб уз орзу-ниятларига етар эканлар, иншооллоҳ!

Мен шундай бир оилани биламан. Эр-хотин жуда аҳил ҳаёт кечиради. Йиллар ута бошлагач эса ҳаётларидан путур кетаётгандек туюлаверади. Чунки, ҳадеганда фарзандли бўлишмайди. Лекин умидсизланмай, сабр-тоқат билан фарзанд кутишади. Ниҳоят 12 йил деганда интизорлик билан кутилган фарзанд дунёга келади. Оиладаги қувонч-ни таърифлашга тил ожиз.

Шундай оғир синовни бопидан кечираётган ёш оилаларимизга: «шошилманг, сабр-тоқат ила умид қилинг, шунда Оллоҳ сиздан уз иноятини дариг тутмайди», дегим келади.

Сайёра ҲУСАНОВА,
ТошДУ, журналистика факултети
2-курс талабаси

ОЛЛОҲГА ҚИЛДИМ...

(суҳбат)

— Айтингчи, опагон. Аллоҳга яқин бўлиш шунчалар қийинми?

— Нимага ундай деясан?

— Ахир Турон заминиде лак-лак одамлар утган, лекин Аллоҳга етишганлари бармоқ билан санарли: Ал Бухорий, ат Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Гиждувоний, Зангиота, Машраб, ҳожа Аҳрор Валий...

— Шу ҳақда уйлашингизни узи Аллоҳга яқинликдир, укажон. Биласанми улуг одамларда шайтоний нафс, шайтоний хирс, таъма бўлмайди. Улар уч кунлик насибалари бўлса уларини бой санаганлар.

— Ал Бухорий ҳазратларини дафн этишганда энгиларидагидан булак қиймлари бўлмаган. Пайғамбаримизнинг энг суякчи саҳобаларидан ибн Умар Розияллоҳу анҳу катта бир юртнинг амири бўла туриб баъзи кунлари вазифала-

рига кечикиб чиқарканлар. Сабаб у кишининг бир сирагина қиймлари бўлиб, ювилгандан кейин қуришини кутаркан.

— Бунақа одамлар ҳозир қайда, опа?

— Ундай дема, ҳаёт гардини яхши одамлар ҳисобига айланиб туради.

— Айтингчи опа, сиз узингизни Аллоҳга яқин, деб биласизми?

— Мунофиқлик қилолмайман, укажон. Аллоҳ барини билиб тургучи зотдир. Айни паллада узимни Аллоҳга яқин, деб айтмайман.

— Нимага энди?!

— Биласанми, Пайғамбаримиз ҳаётлик пайтларида бир киши байтул молдан ердан сурабди. Шунда Пайғамбаримиз унингда соттулик нимаг бор, деб сурабдилар. Битта қозонимдан бошқа ҳеч вақом йук, дебди ҳалиги киши. Унда уша қозонингни сотгинда арқон билан бол-

та сотиб олиб, утинчилик қилгин, деган эканлар. Мен бўлсам...

— Хуш?

— Қийнавординда укажон. Биласанми сен жигарим, деб эшикдан кириб келганида хаёлимга нималар келди?

— Биламан, раҳматлик отамни, онамни эслагансиз.

— Минг афсуски, ундай эмас. Юзимни шилиб бўлса ҳам айтаман. Бола-чақасидан орттириб бирон нарса олиб келдимикан, дедим. Ҳа нафсимни уйладим, укажон. Ахир улар ҳолда эмасман. Ойламингда ишламайдиган одамнинг узи йук. Миямга келган уйни қара?! Шу ҳолда мен қандай қилиб Аллоҳга яқин бўлай... Шу туришда жигарим, деб келибсанми Аллоҳга сен яқинсан, укажон...

Эркин МАЛИК

Муносабат

Бир гал олис қишлоққа меҳмонга бордик. Дангиллама уй-жойлар, боғ-роғлар, ҳатто «мана ман» деган бойваччанинг хонадонига кам учрайдиган чет эл мебелларию чинни буюмлар нигоҳимни қамаштириб юборди. Аёллимга бордимми, уй соҳибасига ҳавасим келиб кетди. Бахтиёр бекани зимдан кузата бошладим. Кунглимдаги юзмига чикқан шекилли, ҳамроҳим шивирлаб деди:

— Бахт кимники — сочи паҳмоқникими, деб бекорга айтмаганлар. Шунча молу дунёнинг ичидано, юришини қаранг. Эссиз, мебелларнинг чангини-чи?
— Балки рўзгор юмушларидан орғиб узига, буюмларигаям қарашга вақт то-

АЁЛГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ (Кўнгилдаги гаплар)

полмас, — дедим.

— Бе, аёлда кунг булиши керак. Узига оро бермаган хотин барибир панд ёйди. Ҳеч бўлмаса, меҳмон келди, деб анаву кийимдан устига илтиб олса-чи...

Хуллас, мен уй бекасини оқладим, ҳамроҳим эса улоқдан олиб, сулоққа солаверди. Беканинг уз жуфти ҳалоллига худди бегонадек елка қисиб гапиргани эса, иккимизнинг ҳайратга соларди. «Балки жудаям ибодли, ҳасли аёлдир. Эрига ҳурмати баланддир?»

Аммо минг-минг афеуски, бу ерда узаро меҳр-муҳаббат эр-хотиннинг руҳан яқинлигидан асар ҳам йўқ эди. Ич-ичимдан аёллик, рафиқалик бахтини фақатгина рўзгорга бахш этган шу хокисор жувонга ачиниб кетдим. Ахир у жуфти ҳалоллига вужуддаги энг тоза туйғуларини, бор муҳаббатини вақтида ошкор қилмоғи даркор эмасмиди? Зотан, бу хонадонга умр йўлдошига маслақдош суянч бўлиб келган эмасми? Вақтида уз иззатини, қадрини жуфти ҳалоллига меҳрли нигоҳларига ораста юриб-туриши билан кўрсатиб кўелмадимми е?

Энди эса... орада узилан хушгирой бўлмаса-да ширинеухан, ороланиб юргувчи узга асл бор. У кимнинг айби билан шундай хокисор жувоннинг оиласига шарналек суқилиб олган?

Фикримча, оиланинг ҳалоллигини, узаро ишонч ва вафдорликни сақлаш аввало Аёлга боғлиқдир. Шу боис доно маслақатларда: «Уйда шундай шароит яратингки, эркак бундай хузур-ҳаловатни бошқа ердан тополмасин», дейилади.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Гулистон шахри

О П А

...Опа, минг марта номингни такрорласам ҳам тилим толармиди, дилим қорармиди, опагинам.

Онамиз бизни тапплаб, дунедан утганлариди, беш норасида гудакни бағринга босиб йиғлаганларингни унутиб булармиди?!

Онам вафотидан сунг отам фарзандларимни угай онага зор қилиб қўймайман, деб уйланмади. Биз бундан хурсанд бўлдик. Чунки, сен онамизнинг урнини билингирмай ювдинг, тардинг, кийинтириб мактабга кузатдинг.

Укаларим уқинмасин, онамизнинг руҳи шод бўлсин, деб узинг смай бизга елдинг, узинг киймай бизга кийдинг. Бирон марта тенгдошларинга қушчиб яйраганингни, уйнаб-қулганингни эслай олмайман. Сендан меҳр истардигу, сенга меҳр кўрсатишга ожиз эдик.

Сенинг мумина, меҳнатқашлигинг, меҳрибонлигинг одамларнинг назаридан четда қолмади. Уйимизни совчилар босди. Ҳар гал сен совчиларга рад жавобини берганингда биз гумроҳлар хурсанд бўлардик. Чунки сен хонадонимизнинг чирроғи, кунглимизнинг чароғи эдинг. Ҳар гал турмушга чиқишни орта сурганингда қувонибмиз. Афеус, бу билан сенинг ҳаётинг, бахтинг беркилаётганини англаб етмабмиз.

Мен ҳарбий хизматни угаб қайтиб, ишлаш бошладим. Оиламизга келин тулди. Онамизнинг урида сен она бўлиб келинни кутиб олдинг.

Ана шундай қилиб бирин-бирин вояга ета бошладик. Сингил, укаларимни ҳам узинг бош-қош бўлиб уйли-жойли қилдинг. Ҳаёт узи шундаймикан е мен кеч англадимми, илк бора уйимиздан чақалоқ йиғиси эшитилганда, келини-

нгни қулида чақалоқ кўрганымда, сени уйладим, опагон.

Ахир сенинг ҳам дунёда она булишга ҳаққинг бор-ку!

Сингилларимни узатдик, укаларимни уйладик. Лекин энди сенинг дардинг оғир эди. Билмадим бу хатоимизни тугриглаб буларми-йўқми?! Куни тун шунга уйлардим.

Ниҳоят, отам иккимизнинг қийин-қистовимиз билан узингдан саккиз еш катта одамга турмушга узатдик. Опам фарзандли бўлса бу кунлар ҳам эсидан чиқар, деб уйлагандим. Лекин... Сен фарзандли бўлмадинг. Машинамни сотиб, опамни врачларга курсатаман, деб уйладим. Уйладиму бунга журъат қилолмадим. Биз учун — жигарлари учун узининг умрини берган опамдан темирни қизгандим. Бунинг учун узимни ҳеч кечира олмайман. Лекин сен менинг тинчлигимни, оиламни уйлаб сира меҳдан хафа бўлмайсан. Кунглимга таскин беришга уринасан. Сендаги меҳрининг, фидойиликнинг чек-чегараси йўқ. Мен сен туфайли севишни, инсонни ардоқлашни, меҳр-муҳаббатни ургандим. Куча-қуйда бирон бир ердამга муҳтож аёлни кўрсам дарров унга кумаклашаман. Уларни уз яқинларимдек кураман.

Опа, она десам куз унгимда угтизга етмай утин булган, бугун умрини, бахтини укаларига бахш этган сен — опагинам пайдо бўласан.

Мен сен ҳақингда бутун юрдошларимга, одамларга ҳикоя қилиб бераман, опа, опагинам. Чунки сен менинг тасаввуримда меҳрининг, садоқат ва вафонинг тирек тимсолисан.

Абдурахмон ЖҲРАЕВ

Таъзим


Аччиқтош

БАҲОНАСИ МИНГ БИТТА

Кейинги пайтларда тозалликка, санитария-гигиена қондаларига риоя этиш ҳақида кўп гаплар булаяпти. Жумладан, пойтахтимизнинг айрим жойларида махсус ажратилган жойга туқилган ахлатлар ҳафталаб олиб кетилмаслиги ҳам ёлгон эмас. Ҳамза туманидаги Малков кучасида икки жойга урнатилган ахлат кутилари тулиб, ён-атрофга уқолиб, сасиб-бижиб етганига анча будди. Тугрироғи, бу ерлар охириги марта қачон тозаланганлигини эслолмаймиз.

Шу кучада болалар шифохонаси жойлашган. Бемор кўргани келганлар атрофга таралатган бадбуй, қуланса ҳид шифохона ҳудудини ҳам ишғол эта бошлаганини дарров сезишмоқда. Аҳволдан санэпидемстанцияни, шаҳар кучаларининг тозаллиги ва ободонлиги учун масъул булган бошқа идораларни хабардор қилганмиз. Улар гоҳ машиналар бузуқлигини, гоҳ бензин йўқлигини рўқач қилишдан нарига утишмаяпти. Уларнинг бу «химмат»идан дайди итлар айниқса хурсанд. Лекин одамларчи? Машина бузуқ бўлса ёхуд бензин йўқлиги учун улар касал юқтирмаслиги керакдир ахир? Бу саволларга ким жавоб беради?

Ҳикматилла АҲМЕДОВ,
Ҳамза тумани



Соқинлик

Абду Гани ЖУМА олган сурат

Акс-садо

Ассало-му алайкум ҳурматли «Оила ва жамият» газетаси ходимлари! Газетанинг 49-сонига чоп этилган «Шунақа лаззат керакми?» мақоласини уқиб жуда таъсирланиб кетдим. Дарҳақиқат, Она шахримиз Тошкентнинг катта-кичик кучаларида сигареталарнинг кузини қамаштириган ранг-баранг рекламасини кўриб ҳайрон қоласан киши. Айниқса отта минган чавандоз тасвирли (Малборо) кучаларда шунчалик болалаб кетган-ки, мен уни уз боласи-

ЧАВАНДОЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

га заҳар тутаётган отага ухшатаман. Гоҳо уша рекламаларнинг тагига илғаб олиш қийин булган кичкина ҳарфлар билан: «Соғлиқни сақлаш вазири оғоҳлангирди: «Чекиш соғлиқ учун зарарли», — деган сузлар ёзилганига куз тушади. Сигаретанинг бутун «лаззати»ни акс эттирувчи сузлар эса аксинча уқловдай ҳарфлар билан езиб қўйилган.

Ана шундай бемаъни рекламалар урнига меҳр-оқибат, инсоний ҳислатларни тарғиб этувчи рекламалар жорий этилса мақсадга мувофиқ буларди. Умуман, республика мизда рекламаларни тарғибга солдиган ташкилот борми? Йўқ бўлса, яратиб пайти келмадимикан?

Раҳматжон ҚУНДУЗОВ,
Тошкент шахри

Азият

Зарифа хола кенжа угли Ринат билан турарди. Ринат заводда ишлайди, кули гул йиғит. Унга кўпчилигининг иши тушар, маошига қўшимча унча-мунча чойчақа ҳам топарди. Бироқ ичкиликка ружу куйгани ёмон будди. Қачон қарама-ни, маст-аласт, юз-кузи «қашқа» бўлиб юради. Бу иллат оқибат, Ринатни хор қилди. Аввалига оиласидан ажралди. Қиз-часи етим қолди. Онасини ҳам ранжита бошладди.

Зарифа холани кексалик енгиб қуйганди. Қуларни хира, қулоқлари оғир. Базан у-бу нарсасга туртиниб, қоқилиб кетар, шунда угли ишқириб: «Синдириб қўйдинг-ку! Тукиб юбординг-ку!», деб зулм қилар, кампир қўшилларидан паноҳ излаб, уйдан қочиб чиқар эди.

Базан ишдан қайганимда Зарифа хола мени пойлаб турган булади.

— Тагин углингиз хафа қилдимми? — деб сурайман.

— Ҳа, банкадаги винони тукиб юбординг, деб уйдан қувладим. «Домком» болам, дурустроқ насиҳат қилсангиз, зора...

— Ҳозир углингиз билан гаплашиб чиқаман.

Эшикни тақиллатаман. Ринат чиқади.

ОНАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Авал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнг онангизга яхшилик қилинг.

Ҳадисдан

— Уф... мамашка арз қилибди-да, тагин?

— Шу қилигинг яхшимми? Ким узининг туққан онасини шунчалик хурлайди? Уч хоналик уй торлик қилаяптими, сенга?

— Сен манга контрол что ли? — бақиради у.

— Ну-ка, пошел вон!

Эшикни епмоқчи булади тутқични қуйвормайман.

— Кўни-қўшиллардан лоақал уйлсанг бўлмайдами? Уял-эй! Бунча тошбағирсан!

У инсофга келган булади.

— Майли, кирсин кампир. Лекин яна сизга жалоба қилса, суяман...

Зарифа холани хонасига бошлаб кирман. Бечора қурқувдан даг-даг титрайди. Ринатни яна бир бор оғоҳлангириб чиқиб кетаман...

...Мен узим етимликда, ота-она меҳрига таппа бўлиб усган инсонман. Шоир айтгандай, «Бир оғиз ширин суз — нондек арзанда булган». Шунинг учун «Тоғли — бахтли» топбағир фарзандларнинг оналарига қилдиган бу хил муомалаларини кутарол-

майман.

Онаизор фарзандларини яхши-ёмонга ажратмайди. Аксинча ҳаммасини бирдек қуриб, бирдек ардоқлайди. Бу — уларнинг оналигидир. Зарифа хола ҳам шундай оналардан.

Анча пайт «дом»имизда кўринмай қолган хола бир куни менга йиллаб: «Ринатимни ёмон уришибди, уридан туролмайди», деб қолди. Қаранг, бераҳм угтилга ачинаяпти, тагин. Углининг оғир аҳволда етганини эшитиб, хабар олгани келган экан. Номард угил: «Сен менинг холимни томоша қилгани келдингми?», деб яна уйдан ҳайлаб чиқарибди.

Зарифа хола катта углинкига кучиб кетастанда ҳам куллари жиққа ешпа тула эди.

Мен ҳам уни куз ешим ила кузатиб қўйдим: «Онаизор, уқинманг. Худо инсоф бериб қолар углингизга. Инсофга келмаса, оқибат, узига қийин...»

Э. ШЕРАЛИЕВ

МУЪЖАЛАГА ТЕККАН ТОШ

(воқеий ҳикоя)

Болакай кунчувоқда тош уйнаб утирарди. Уйи катта йўлнинг ёқасида бўлгани учун машиналар шовқини жигига текканиданми ёнки шўхлиги тутибми гоҳо уларнинг орқасидан майда тошми, каттароқ кесакми отар, отарди-ю тура қочарди. «Текканга тегиб тегмаганга кесак отади», деганларининг ёш тоифаси худди мана шу болакай эди. Лекин шарҳча унчалик катта бўлмагани учун машиналар ҳам қаторма-қатор эмасди.

Болакай ариқдан ҳатлаб утиб, дарвоза туримини тутган эди, куча бошидан 09 марказли Жигули гизиллаб келаверди. «Кестар жафоси»га отиб қолай дедими, ҳарқалай қўлига илдинган каттакон тошни машина ортига иргитди. Болакай отган тошларнинг юздан бири ҳам тегмасди. Ҳар қалай шу пайтгача бу қадар аниқ тегмаган эди. Ё гилдиракка тегар ё унда кутариш чанг орасида қолиб кетарди. Аммо бу сафар отилган тош нақ муъжалга тегди. Ялтираб турган оч яшил машинанинг чап қанотида бир дагал муҳр пайдо бўлди.

Машина чийиллаб тухтаб, улдан бир йигит ваҳожат билан тушди. Бола дарво-

зани епти-ю, лскин қулфлай олмасдан ичкарига югурди. Йигит дарвозани қаттиқ тепди. Ичкарига киришга итдан қурқибми, юраги дов бермади. Егоч дарвозани қаттиқ тақиллатиб тураверди. Куп утмай ичкаридан бир аёл калипини апила-тапил қийганча шошилиб кела бошлади. Йигит аёлни куриб бир қадам орқага тисарилди. Ваҳожати пасайди. Юзидан ранг қоца бошлади. Лскин, дагдгани сусайтирмади.

— Ҳов, аҳмоқ, болангни уйингда ушлаб утирсанг уласанми, машинамни пачоқ қилди-ку? Бу ёққа олиб кел, буйинини узиб олай.

— Қани, нима қилибди, нега бунча ушқирасиз?

— Ҳов, ана, энди буни қандай тузатаман? Куриб куй буни!

— Баттар бўлсин! Менга деса ёниб кетсин машинанг, сен ҳам балога йулиқ!

— Ҳув, ифлос нима деясанг?!

— Узинг ифлос, эътиборинг учун. Мана шу сенинг боланг ифлос. Болангни таниб куй, бойвачча! Машиналарда кескириб юришни биласиз, болани бир ша-

палоқ уриб, тарбиясиз, деб удағайлашни биласиз, лскин узларига келсак, қайси уйнашингиздан нечта болангиз борлигини ҳам билмайсиз. Улар қандай яшапти ҳам демайсиз. Мана бола, тарбияланг! Узингиз шундай булгач сиздан булган бола гур буладими, еки бундан тонасизми?

Аёл боланинг буйиндан ушлаб тураркан, уч-туртта томошаталаб одамларга қарата чинқирди:

— Қараб қуйинглар, бола шу йигитга ухшайдими-йўқми?

Дарҳақиқат, болакай йигитнинг узикузи эди. Қорачадан келган, бурни пачоқ, пешонаси тор, сочлари тузиган патила-патила, кир-қорамтир эди.

Йигит: ҳа, онагни!.. — дея машина томонга йўналди. Унинг сукуниши ҳеч кимга қаратилмаган гулдирашлардан иборат бўлгани учун, аёл буни узига олмади.

Йигит, томдан тараша тушгандай содир булган бу воқеадан гангиб машинасига утирди-ю газ босди:

Аёл унинг ортидан қарганиб қолди:

— Сан бузук, бутун умримни оёқ ости қилдинг, болани менга қолдириб, тарбия талаб қиласанми яна?!

Асқар РАҲМОН

Дунёнинг ишлари

Йўлдош ЭШБЕК



ШАЙШОН

Кимдир мазах қилар, қулар

устимдан,

қул билан дўшпослаб бўлмайдими уни,

наҳотки қочарга жой йўқ дастидан,

наҳот эсли одам — менман —

тутқуни,

бирор хилла билан, йул билан эмас...

қандай унинг нафсин тўлдириб

булар?

Ғазаб билан эмас, қул билан эмас,

улдирсанг... дил билан улдириб

булар!

ЙУЛЛАР

Ҳеч нарса қолмади дилдима, она,

сарик қоғоз каби зафар сиегим,

барча йуллар югурар сен томонга,

барча йуллар чуқар упар оёгинг,

менинг йулим эса чувалган ипдай,

мен эса япроқдай шамоллар аро,

дунёда йуллар ҳам, боғлар ҳам

қўлдай,

барчаси қародир, барчаси қаро —

сенга қувонч эмас токи бу боғлар,

сенга сунъч эмас, аҳдсиз унг-сўл

ҳам,

булоқлар эмас бу... украган тоғлар,

изларинг тулпмаса бахтсиздир йул

ҳам.

ОЗОДЛИК

Шудгор каби ҳайлаб чиқар

қуксимни туйғу,

титиб чиқар, битиб чиқар

нав-ниҳол — эзгу,

қунгил вайрон ерларини қиличдай

кесди,

омад обод ерин омов тилгандай

кесди,

шарқираб ариқлар оқар

танлардан —

бу иморат узра қилпирар тут — рух,

бир ором эсади шан ватанлардан,

бир уйку уйғонар — оромдан улут,

мен чндай олмайман шафқат

танида,

гулбаргак кемадай қалқиб учаман,

бир қудрат сезаман кичик

жонимда,

мен лаззат қониди ватан қучаман!

УУ

Уйим кузларини олади юмиб,

оромга кетади бизни қучоқлаб,

балки туш мавсуми, уйку мавсуми,

отамни туш қураб майин бу

чоғлар,

келар ялпиз иси, райҳонлар буйи,

ойнинг зиесига ухлаган товуш,

эшитдингми, майли, ухлагин туйиб,

уйғонишни кураётган бўлсанг туш.

ЮРАК ОЛДИНГИДЕК ЭМАС...

Дил изҳори

Институтда бирга ўқиган Гулзода исмли дугонамини учратиб қолдим. Учрашмаганимизга ун йил бўлганди. Кучоқлашиб қуришдик. Очиги, мен Гулзоданинг кейинги ҳаётидан бутунлай беҳабар эдим. Чунки у иккинчи курсни тугатгач турмушга чиққан, кейин ўқиниши сиртки бўлимга ўтказиб, эрининг юртига кетиб қолган эди.

— Эсингда бўлса, — дея кунглини ерди дугонам. — Шавкат ака акам билан курсдош эдилар. Шу сабаб бизникитга куп келар, у кишини ҳар курганда, галати бўлиб кетардим. Кейин билсам, севиб қолган эканман. У киши ҳам бир кунги кунглиди ерди... Хабаринг бор: онам катта ташкилотнинг раҳбари, отам ҳам амалдор. Шунинг учунми ҳар иккови ҳам менга қуд остидаги ҳолдимидай муомала қиларди. Шуюм сабаб бўлдими — фикру зикрим Шавкат акамда буц қолди. Лскин онам мени бопқага узатмоқчи эди. Қар-

шилиқ билдириб, балога қолдим: юзимга тарсаки тушди. Бундай кургулик Шавкат акамнинг ҳам бошига тушган экан. Дадаси унинг Тошкентдан уйланишига рози бўлмаган... Лекин бизнинг аҳду паймонимиз қатгий эканлиги боис — розилиқ беришди: турмуш қурдик. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Она-отам, қайнона-қайнотам билан ҳам муносабатларимиз яхши бўлиб кетди.

Шунда Гулзоданинг бугзида бир нима тақилгандек бўлди. Бехитиер кузларига еп сизиб чиқди.

— Ҳаёт мураккаб экан, — деди кейин хурсиниб. — Мана бир йилдирки, эримнинг юриш-туриши узгарди-қолди. Гап сурасам жеркиб таплайди. Уйга кеч келади. Баъзан эрталабгача алақасерларда қолиб кетадиган одат чиқарди. «Қасрда эдингиз?» деб сурасам, «Сенларни боқиб осонмас», дея удағалайди. Охири сабрим чидамасди: «Нима биронтасига

ҚАНИЙДИ, ОВОЗИМНИ

ЭШНТСАЛАР...

Фикр

Кудамиз ногиронлар шифохонасида даволанаётган эди, кургани бордим. Ранги руйи тоза, кайфияти чоғлигини куриб:

— Куришинингиз жула яхши, шифо топганингиз рост бўлсин, — дедим.

— Барака топишсин, фаррошдан тортиб бош шифокоргача ҳамма-ҳаммаларидан миннатдорман. Меҳрларини қўшиб даволашади, — чин дилдан мактади қудам.

Кейин у кишининг таклифига кура ҳовлига чиқдик. Хисбонлар тоза, ҳазонлар супурилган, дарахт шохлариди куш хабарчилари-саъвалар учиб-қуниб юришарди.

— Ҳаво совуқ экан-ку! — дедим. — Ураниб олинг...

— Совуқ бўлсаям — тоза, — деди қудам. — Балки бу даргоҳнинг шундай озодлиги ҳам мени шифо бўлгандир...

Кейин хайр-хуш қилдик.

Шифохонадан чиқиб ҳисобкитоб қилиш учун АТСга борадиган йўлга бурилдим-у, нафасим қайтиб кета бошлади. Куп каватли уйлар пойида ахлат қутилари думалаб отар, улар атрофига

тукилган ахлатда қиш ҳавоси булишига қарамай паппалар гулгон уйнар эди. Сассик!

«Бу басавлат иморатда ҳеч ким турмайди?» деб қарасам, йўқ — подьездга қориндор, пўрим одамлар кириб чиқаётибди.


Бу ердан қочиб, АТСда ишни битириб, амакимникига — Собир Раҳимов туманидаги «Пахта» маҳалласига йул олдим. Тавба, уларнинг кучасига киргач, эркин нафас ола бошладим: ҳаммаёқ ораста, супурилган-сидирилган. Ҳолбуки бу ердаги иморатларда ҳам одам яшайди...

«Эй одамлар! Купқаватли уйларнинг соҳиб ва соҳибалари! Ахир, оёқларинг остига қарасаларинг бўлмайди?!» — дедим орқага бурилиб.

— Ахир, ахир... ҳайвонларгина тагини тозалашни билмайди. Бизлар — одамлармиз-ку! Бу аҳволда, аввало, узимизга-уз соғлигимизга зиен етказмаймизми?»

Қанийди менинг овозимни эшитсалар...

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
меҳнат фахрийси,
Тошкент шаҳри





ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХОББИСИ

Белоруссия президенти Александр Лукашенко ҳар куни 2—3 соат вақтини спортга бағишлайди. У уз қуриқчилари, таниқли спортчилар билан футбол, теннис ва хоккей уйнашни эктиради.

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

Москва ва Татаристонда қонунга ҳилоф равишда сақланаётган қурол-аслаҳасини уз ҳоқини билан тошйирганларга пул тулаш тартиби жорий этилди. Унга қура, ут очар қурол учун 834900 рубл, граната, мина, снаряд ҳамда портловчи моддаларнинг ҳар бир килоси учун 417450 рубл, қирқма милтиқ ва кулбола қурол учун 166980 рубл туланади. Шунингдек, фуқаро жиноий жавобгарликдан ҳам озод этилади.

«ЁПГИЗ БҮРИ» ЧЕЧЕНИСТОНДА

Чеченистон ҳукумати ва Холливуд киноижодкорлари чечен уруши ҳақида кинофилм яратиш юасидан музокаралар олиб боришапти. Чеченистоннинг Москвадаги мухтор вакили Шариф Юсуповнинг айтишича, бош ролга Чак Норрис тақдиф этилган. Айтишларича, у булажак филмдан оладиган бир неча миллионлик «арзимас мойна»сини инсонпарварлик ёрдами сифатида Чеченистонга ҳалая этмоқчи.

КУНИГА 10 ДОЛЛАР

Француз хоржий легиониди бугунги кунда беш минг киши хизмат қилаяпти. Шулардан ўдан бир қисмини собиқ соцдагер мамлакатлари фуқаролари ташкил этади. Легионга аъзо бўлишни истаганларнинг 50 фоизи синов машқларидан сунг жуфтакни ростлаб қўйишди. Қолганлар билан эса беш йилга шартнома тузилади ва кунига 50 франкдан (10 доллар) мойна туланади.

«СЎҚМОҚ» ЙЎЛДАН БОРАЁТГАНЛАР

Одамлар ҳам қизиқ. 5—10 метр жойга сабри чидамай йул четларидаги кукаламзорлардан сўқмоқлар «ясаб» олишди, йулларини қисқартириш учун. Англияда чоп этиладиган «Нейчур» журналининг ёзишича, Штутгарт университетининг математик олимлари истироҳат боғларидаги кукаламзорларни «сўқмоқлар»дан ҳимоя қилиш модулини яратишди. Унга қура, одамларни кузатиб, улар қаердан йул солишга иштиёқманд эканини аниқлаш ва шу ерга тусиқ урнатиш мумкин буларкан.

Хоржий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон Бадий Академияси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт ректори Норсаид Ойдиновга оталари **Асра ота ҲАЛИЛОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Бағрамиз ўлуи суюкин
ИКРОМХАҲОНОВА Буниса *Айроф қиз!*

Сизни 10 декабр — 40 ешингиз билан самийий муборакбод этамиз. Сизга ва оилангизга бахт-саодат, хотиржамлик, шоду-хуррамлик, боқий умр тилаймиз. Фарзандларингизни роҳатини куриб, невараларингизга бош-қош бўлиб юринг. Аллоҳ умрингизни узок қилсин.

Ойингиз Ойниса, опангиз Шарофат, сингаларингиз Хониса, Шоҳида, Шоҳиста, Ойдин ва Юлдуз Тоирқориевалар, қизларингиз Дилафрўз, Севара, ўлгингиз Ҳаётжон.

Хурмакши *адарқонимиз*
ИЛҲИЗИРБЕРҲУЛОВ *Илҳамов*
Давлат йул!

Сизни 12 — декабр мучал ешингиз, яъни таваллудингизнинг 36-йили билан муборакбод этамиз. Аллоҳ сиздан нури ва еру қунарни дариг тутмасин. Бостан қаламингиз кутлуг, орзуларингиз ҳаммиша ҳамроҳингиз бўлсин. Илоҳ фарзандларингиз бахтига соғ ва саломат бўлиб юринг, деб

рафиқангиз Лола, фарзандларингиз Даврон, Равшан ва Лайло



Айз ва меҳрибон ойиқонимиз!

Сизни таваллуд айёмингиз билан самийий кутлаймиз. Соғлик-саломатлик, бахт, осуда ҳаёт ҳамроҳингиз бўлсин. Аллоҳ умрингизни узок, толсингизни порлоқ қилсин, деб

умр йўлдошингиз Олимжон, фарзандларингиз Зулайҳо, Орифжон ва Дурдоналар



Тошкент шаҳар, Миробол туманидаги «Ахмадҗон Трейд Ко» хусусий фирмаси

тугатилади.

Давволар бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 45-67-77

Бодомзордаги 3 ва 4 хонали янги квартираларни ҳовли уйга **алмашаман.**

Тел: 54-82-19, 133-28-20

Муштарам Раёно АКБАРОВА!

Сизни 15 декабр туғилган кунингиз билан чин кунгилдан табриклаймиз. Сизга оилавий бахт-саодат, тинчлик-фаровонлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз.

Талиб, Зухра, Шерали, Азиза.

Шоҳкент шаҳар Ҳасеинский номи мусиқа мактабинини 1-«Б» синф ўқувчиси, айз ва меҳрибон қизим — Давлатова МЕХРУБИСО!

Ҳаётингда учмас еркин юлдуз буладиган, яъни 13 декабр кун буладиган «Алифбо» байрами билан чин қалбдан табриклаймиз. Дилбандимизга биздек меҳрибон азизлари билан бирга умрбод бахтли яшаш насиб этсин дея яраттандан сураб қоламиз.

Отанг Баҳромжон, онанг Мадинахон ва уканг Шохруҳ Мирзо

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Биз куйида эътиборингизга ҳавола қиладиган енгил таомларни тайёрлаш учун гўнгт зарур эмас. Кўп масаллик талаб этилмайдиған, аммо мазади, енгил ҳазмли ушбу таомлар оила аъзоларингизга хуш келади деб ўйлаймиз.

ПИШЛОҚ БИЛАН ЕПИЛГАН МАКАРОН

Сут еки сут-сув аралашмасида пиширилган макарон эритилган маргарин билан аралаштирилади, сунг егилниб, урвоқ сепилган товага солиниб, устидан киргичда қирилган пишлоқ, унинг устидан еқ пуркалади ва духовкада қизгиш қобиқ ҳосил бўлгунча қизартирилади. Тайер булган таом бир оз совитилиб сариег, ширин сардак еки мураббо билан дастурхонга тортилади.

ТОМАТ АРАЛАШТИРИЛГАН МАКАРОН

Сариег эритилиб, томат шўреси солиб жазланади ва мурч, туз қушилиб, устига пиширилган макарон солиниб аралаштирилади. Ликобчага сузиб устидан укроп еки петрушкани туғраб сепилади.

КАРТОШКА КОТЛЕТИ

Пиширилган картошка совутилиб, хом туҳум билан қушиб яхшилаб аралаштирилади. Аралашмага 10—15 грамм жазланган пиез қушини мумкин. Сунг аралашма ун еки урвоққа беланиб котлет шакли берилиди. Тайерланган картошка котлети товада қиздирилган етта солиниб, икки томон яхшилаб қизартирилади. Кейин духовкага қўйиб пиширилади. Дастурхонга тортишда тайер котлетлар устидан сариег еки маргарин ехуд майонез сардаги қуйилса, янаям туйимли булади.

ҲАМИДА тайёрлади

СОФИЛГАН КЎКРАК СУТИНИ САҚЛАШ МУМКИНМИ?

Зарурат туғилса, кўкрак сути пастеризация қилинади ва музлатгичда сақланади, лекин бир кеча-кундуздан ортиқ турмаслиги керак. Кўкрак сути куйидагича пастеризация қилинади: шишачадаги сут совуқ сув солинган кастрюлкага қуйилади, сув сатҳи сутники билан баробар туриш керак. Сув қайнаш даражасигача қиздирилади ва ундаги шишача яна 10 дақиқа паст оловда сақлаб турилади-да, кейин кастрюлка оловдан, шишача эса сувдан олинади.

Ҳадича ХЎЖАҚУЛОВА,
шифокор

ЎШАЛ КҮН КЕЛУР

«Болалик уй бозор», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, оиланинг қувончу-шодлиги фарзанд билан. Куйидаги жадвал эса она бўлишдек буюк бахт остонасида турган аёлларимизга нуридийдалари қачон дунёга келишини аниқлаш имконини беради. Юқори қатордаги рақамлар ҳомиладорликдан олдинги охирги марта ҳаёз кўрган кунни, остидагилар эса бола туғилмадиган кунни кўрсатади. Масалан, ҳомиладор аёл охирги марта 1 январда ҳаёз кўрган бўлса, фарзанди 8 октябрда туғилади.

Янв	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Янв
Окт	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	Ноя
Фев	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	Фев			
Ноя	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	Дек			
Мар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Мар
Дек	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	Янв
Апр	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Апр	
Янв	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	Фев	
Май	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Май
Фев	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	1	2	3	4	5	6	7	Мар
Июн	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Июн	
Мар	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	Апр	
Июл	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Июн
Апр	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	6	7	Май
Авг	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Авг
Май	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	Июн
Сен	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Сен	
Июн	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	6	7	Июл	
Окт	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Окт
Июл	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	Авг
Ноя	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	Ноя	
Авг	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	Сен	
Дек	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	Дек
Сен	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	6	7	Окт



Бу воқеа Новокузнецк шаҳрида содир бўлган. Бир қарашда тасодифан ёхуд онгсиз равишда содир этилгандай, жамиятнинг қонулар ва ўша қонуларни бажарувчи шахсларнинг бу ўринда айблари йўқдай туюладиган ушбу даҳшатли қотилликни айнан эътиборсизлик туфайли ҳам дейиш мумкин. Хусусан, Сашанинг илк қотилликка қўл уриб, жазодан қутилиб қолиши кейинги қотилликларнинг содир бўлишига олиб келди.

Россияда қонулар бор. Лекин уларнинг амалда қандай қўлланилаётганлиги ушбу қотилликлар мисолида ҳам бир қадар ойдинлашади. Сийёсий бошбошдоқликлар, коррупция ва жиноятчиликнинг кескин ошиши Россия халқини талвасага солиб қўйди. «Инсон ҳуқуқлари», «Бизда демократия» деб жар солаётган ўрис-матбуотни уйда тинчгина ўтириш, сокин ҳаёт кечириш ҳам инсон ҳуқуқларига киришини тан олишмайди.

Ушбу мақолани чоп этишдан мақсад кўнглингизни даҳшатга чулғаш эмас, балки юртимиздаги осуда ҳаёт қадрига етиш, тинчлик ва сокинликнинг нақадар қимматлигини чуқурроқ англашда бир қадам бўлади деб ўйлаймиз.

ДАРЁ ТУБИДАГИ МУРДАЛАР

Россиянинг Кемерова ва Новокузнецк шаҳар жиноят кидирув бўлиmlарининг ходимлари даҳшатли бир қотилликни очиб устида иш бошлашди. Далил: дарёдан топилган одам бош чаноқлари, ёш болаларнинг булакланган тана аъзолари. Экспертларнинг курагмасича, қотиллик уйда содир этилиб сунтра булакларга булиниб, дарёга ташланган.

Бу машъум қотилликни очиб учун барча имкониятлар ишга солинди. Ва ниҳоят, Новокузнецк шаҳрини даҳшатга солиб турган (нафақат Новокузнецк балки жамики одамзотни даҳшатдан қотириши муқаррар бу қотиллик) жиноят тасодиф орқали ошкор этилди.

ТАСОДИФ

24 октябр куни сантехниклар иситиш тизимларини текшираётиб туққизинчи қаватдаги бир хонадонга сира кири олишмади. Уй эгаси эшикни очмасди. Орадан икки кун утишига қарамасдан ичкаридан хонадон сохибининг узининг руҳий бетоблиги ва шунинг учун уй қамоғида ушлаб турилганлиги ҳақидаги огоҳлантиришдан булак ҳеч бир сас-садо булмади. Ишчилар бундан шубҳаланиб, участка

нозирига мувожаат этишди. Участка нозири эса ҳақиқатан ҳам бу уйда руҳий бемор яшашини тасдиқлади. Бироқ сантехниклар хизматининг руҳий касалликка сира алоқаси



йўқ эди. Иситиш тизими эса барчага бирдек зарур. Шунинг учун ҳам улар участка нозири ёрдамида эшикни бузиб киришга қарор қилишди. Эшик бузилгач эса, сасиб-бижгиб ётган инсон мурдаси ҳаммани даҳшатга солди. Уй эгаси қочишга улгурганди. Ичкаридаги манзарани эса тасаввур этишининг узи даҳшат. Хоналарнинг бирида қорнидан араланган қишпа яланғоч, қуллари синдирилган беҳуш қизча топилди. Бу икки ой муқаддам икки нафар дугонаси билан биргаликда йўқолган ун беш ёшли Оля эди.

МУҲИТ

...Уша кунлари болалар боғчаси қоровули Людмила Яковлевна Спесивцеванинг зудлик

билан ишдан бушаш ҳақидаги аризаси ҳеч кимда шубҳа уйғотмади. Балки бунга шунчаки иш, деб қарашди. Жула камтарин, сипо қуришган бу аёл ҳақида қандай ёмон ҳаёлга бориш мумкин, ахир? Бироқ, Пионерский проспектидаги 53-уйда яшовчи аёллар уни яхши билишарди. У пиениста эрини уйдан ҳайдаб чиқарганди. Ҳозирда безори, бутун «дом»га отнинг қашқасидек маълум булган Саша исмли угли ва қизи билан бирга турарди.

Саша 8-синфни тугатгач ҳеч қасрда ишламади. Балки Радиотехник ниқобида хонадонларга кириб угирликлар қилиб юрди. Масаланинг яна бир қизиқ томони шундаки, улар бу уйда 22 йил давомида яшашларига қарамасдан бирорга қушни билан яқин бу-

лишмаган. Ҳатто Сашанинг турли безорликлари, угирликлари туфайли чиққан жанжаллар-машамаларни ҳисобга олмаганда тузук-куруқ гаплашишмаган ҳам. Ва охиrhoқибат болани эрқалатиш, уйдаги тарбиянинг нобоплиги шу нарсага олиб келадикки, «қатта йигит булиб қолган» Саша уйдан онасини ва опасини ҳайдаб чиқарадиган одат чиқарди. Бироқ Людмила Яковлевна углини кургиси келар, уйга кириш учун эса эшик тирқишидан пул узатарди.

ИБТИДО

1991 йилда ҳали қотилликка қўл урмаган, бироқ ана шу муҳиш истак вужудида тобора алангаланиб бораётган Са-

ша қаллиги (илк курбон) Жёня билан танишади. Ҳаммаси яхши кетаётгандай, ҳатто туйга ҳозирлик қуриш ҳақидаги миш-мишлар ҳам чиқиб қолган, хуллас қотилнинг барча қатори оилавий ҳаёт бошлаш учун имконият тугилган эди. Бироқ ёвузлик барибир ўз ишини қилди. Шундан сунг эса бу маҳлукни тухта-тишнинг иложи булмади. Жёня билан ораларида бироз тортишув булиб утгач, у алмаздалик билан қаллигини бир ой давомида ҳибсда ушлайди, турли усуллар билан зурлик қилади.

Милиция эса фақат хонадонда мурда бор, деб ётказилган ахборотдан кейингина етиб келади. Судмедэкспертзани-

Астағфурилло!

бассум билан кутиб олган Сашани кургач ҳам қизлар ҳеч хавотирсиз уйга киришади.

Ун уч ва ун беш ёшли қизчалар хонадонга эмас, дузаҳга, жаллод олдига ташриф буюришган эди. Қизларнинг бирини қонсираб турган Саша дарҳол кукрагига пичоқ санчиб, улдириб қуя қолади.

Спесивцевнинг узи бу ҳақда шундай курагмаси беради:

— Уларнинг бирини дарҳол улдирдим. Иккинчисини зурлаб урдим. Онам ёрдамлашиб турди. Кейинчалик квартирдан қизларнинг яланғоч ҳолатда «ПОЛАРОИД» фотоаппаратида олинган бир неча суратлари топилган.

«Терговчи: Оля, бу суратдаги ким?»

- Жёня.
- Бундагисичи?
- Мен.
- У суратга олаётганда Нас-ти тирик эдимиз?
- Йўқ.

Бу курагмасаларни давом эттиришга инсоннинг бардоши чидмайди.

КОТИЛНИНГ ИҚРОРИ

«1996 йилда меҳмонхона ёнидаги қурилиш майдонида 12 ёшлар атрофидаги болалар билан танишим бу узимнинг квартирамни угирлашни таклиф этдим. Биз ёттовлон булиб уйга кирдик. Мен уларни ётоқхонамга бошладим. Шунда улар бироз хавотирланиб қолишди. Улардан бири қичқира бошлади. Столда турган пичоқни олиб унинг куқсига санчдим.

Уз қўлим билан ёздим. Спесивцев».

ИНТИҲО

Угли бугизлаган қурбонларни ваҳший кампир дарёга чуқтирар, хилват жойларга олиб бориб қўмиш билан машғул булар эди. Шунинг учун ҳам у боғчани зудлик билан тарк этганди.

Ҳозир бу қотиллар устида суд давом этмоқда. Сашани бир кишилик камерада сақлашмоқда.

Шифокорларнинг курагмаси буйича қотилнинг сунгги қурбони — бечора Оля яшаси керак эди. Аммо орадан бир кун ўтиб, у ҳам вафот этди.

Хориж матбуотидан қисқартирилган ҳолатда олинди. А. БОБОЕВ тайёрлади.

ЙЎЛ ЁҚАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Даҳшат

Зафар галлаорелик Журавой Тухтабоевнинг уйда ишлаб юриб олинк синглиси Раёнони йўлдан урди. Ака Зафарга қушиб синглисини ҳам уйдан ҳайдади. Ошиқ-машуқлар Гулистонга келишди. Мансур билан эса у темир йўл вокзалида тасодифан танишиб қолди...

Баҳодир эндигина ун бир ешга кирган эди. Уша кун у қуйларини ҳайдаб далага чиқди. Шубҳа-гумонлардан холи, кунгли мусалфо болакай бегона кишилар билан бепарво суҳбатлашди. Мансур Баҳодирни тапта солиб турди. Зафар анча учар угри бўлса ҳам, бу сафар омади чопмади. Зийрак болакай унинг няятини билиб қолди. Угрилар энди ошкора йўл тутиб, қуйларини ҳайдаб кета бошлашди. Уларнинг орқасидан чопган, «қуйларимни беринг» деб йиғлаган Баҳодирни эса...

Уйига қайтмаган фарзандини излаб ота-она, қа-

риндошлар ҳар томонга тарқалдилар. Уни кунботарда топишди. Ваҳшийларча бугиб улдирилган Баҳодирнинг жасади Маржонбулоқ асфалт йўлининг остидан утган қувур ичига осиб кетилган эди.

Зафар Ҳамидов ва Мансур Муслихиддиновлар иши юзасидан олиб борилган тергов натижасида уларнинг уза кирдикорлари ҳам очилиб кетди. Улар бунгача жомбойлик Шотемир Топтемировнинг ҳам бошига етишган, Зафар эса фуқароларнинг 88.137 сумлик мол-мулкни талон-тарож қилишга улгурган экан. Бу икки жиноятчи жазодан қочиб қутилишолмади. 3. Ҳамидовга улим жазоси тайинланди, М.Муслихиддинов эса 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, Жомбой тумани прокурори

«ШУНЧА ОВҚАТНИ ҚАЕРДАН ОЛАМАН?»

Жаҳон кулади

КЕЧА ҲЕЧ КИМ ЙЎҚ ЭДИ

Психиатр қабулида.
— Сизни нима безовта қилаяпти?
— Кейинги пайтларда мени кимдир таъқиб этаётгандек туюлаяпти.
— Бундай аломатлар сизда қачон пайдо бўлди?
— Қамокдан қочганимдан бери шу ахвол.

Духтир беморга бир қанча ҳалдори ёзиб берди ва тайинлади:
— Ҳар куни уч маҳал, овқатдан кейин ичинг.
— Вой-буй, духтир, шунча овқатни қаердан оламан?!

Жарроҳ нархоздан узига келган беморга деди:
— Операция яхши утди.
— Духтиржон, мен бемор эмас, сантехникман, кранларни созлагани кирувдим, сиз эса...

Духтирнинг хонасига қари кампир ёшгина қизи билан кириб келди.
— Ечининг, — деди духтир қизга.
— Қизим эмас, мен касалман.
— Унда тилингизни курсатингчи.

— Алишер, нега йиғлаясан?
— Эшикка бошимни уриб олгандим, пишшиб чиқди.
— Қани курсатчи? Қачон урдинг?
— Кеча кечкурун.
— Унда нега бугун йиғлаясан?
— Кеча ҳеч ким йўқ эди-да!

— Уғлим, гулларни қаердан узиб келясан?
— Қушнимизнинг боғидан.
— Қушнимиз буни билдими?
— Билганда қандоқ, мени эшик тагигача қувиб келди.

Хошим мактабдан бурнини қонатиб қайтгач, ойиси уни

уриша бошлади:
— Мен биламан, уйинглар нукул жанжал билан тугайди.
Хошим бурнини жийриб деди:
— Билган булсангиз, нега айтмадингиз?!

Акбар:
— Баъзи одамлар китобга қараб бапорат қилишади. Шу тугрими?
Алишер:
— Жудам тугри. Масалан, менинг ойимлар кечкурун дарсимни қилганларида китобни очишлари билан йилнинг охиригача бошимни анча қотиралган бўлдинг, — дейдилар.

Баҳриддин Тўрғунов тайёрлади

XX аср:
Ҳодисалар
силсиласи

САЁҲАТ — ТАНГА РОҲАТ

Хиндистонлик инженер Э. Р. Леи цирк артистлари томога курсатадиган бир гилдиракли велосипедда Сангли шаҳридан мамлакат пойтахти Дехлигача булган 1600 километр масофани босиб утди.

Франция фуқароси Владимир Фисенко ва америкалик Луис Брунселар отда Америка қитъаси буйлаб уч йиллик саёҳатта чиқдилар.

Буёқ Британияда яшовчи Питер Брод ҳам саргузаштлар ишқибози. Шундай бўлмаганда эшқакли қайиқда Владивостокдан АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрига сузиб борармиди.

Канадалик Бенуа Хавард матонатли кишилар сирасига кирилади. У ногиронлиги туфайли 10 йил тушакка мисланиб ўтди. Духтирларнинг узок уринишлари туфайли оёққа тургач, велосипедда сайру-саёҳатга чиқа бошлади. У Европа, Россия орқали Аляскага утиб, саёҳатининг бошланган жойи — Монреал шаҳрига қайтиб келди.

10 ёшида икки оёғидан ажралган Рам Тиртх Агравал мана салкам 40 йилдирики, аравача ердамида ҳаракатланади. У аравачада Дехлидан мамлакат жанубидаги Канкьякум шаҳригача булган 4 минг километр масофани босиб ўтди.

Инглиз аели Финтона Кемпбел Африка қитъаси буйлаб салкам бир йил давом этган саёҳатида 14 минг километр йул босди ва 50 жуфт пойфазалининг «бошига етди».

Раис: — Раҳмат! Учинчи микрофон.

Учинчи микрофон: — Раҳмат! Хурматли номзод. Танангизга бир уйлаб қуринг, сиздай аблаҳ ва бетамиз одам мана шундай юксак лавозимга уз номзодини қуйишга маънавий ҳақлими? Раҳмат!

Юксак лавозимга номзод: — Раҳмат! Менимча ҳақким бор. Айтиқса, бундай саволларни ортида узига ухшаган аблаҳ ва бетамиз кучлар турган хурматли депутатлар бергач, ҳақким бор. Савол учун

раҳмат!
Учинчи микрофон: — Жавоб учун раҳмат! Лескин мен...
Раис: — Раҳмат, вақтингиз тугади. (Залда шовқин кутарилади).

Учинчи микрофон: — Раҳмат, лекин мен барибир... (Шовқин-сурон авж олади).

Раис: — Раҳмат! Мен учинчи микрофонни учирришга мажбурман. Микрофонни учириб

қуйинг. Раҳмат!
Бешинчи микрофон: — Бир! Бир! Микрофон ишламаяпти-ку!

Раис: — Бешинчи микрофонни ёқинг. Микрофон ишладими?

Бешинчи микрофон: — Раҳмат, ишляяпти.

Раис: — Бешинчи микрофонни учиринг. Раҳмат. (Залда яна бақир-чақир хуштак

Борис ГУРЕЕВ бозлик бошланади).

ПАРЛАМЕНТ СОАТИ

(Россия Давлат Думаси ҳаётидан)

Раис: — Хурматли халқ депутатлари. Келинглр, бир-биримизга хурмат билан муносабатда булайлик. (Хуштакбозлик, сукиниш, бақирчиқ авжига чиқади).

Раис: — Хурматли халқ депутатлари. Сизларга раҳмат, лескин танаффус эълон қилишга мажбурман. (Ёзиб булмайдиган, кинояли гап отишлар авжиди, айримлар ёқалашаяпти).

Раис: — Ҳаммангизга раҳмат, соат 16 гача танаффус.

Даврон БЕК таржимаси



Манзил: Тошкент. Содиқов кўчаси, 9.

«ТОШКЕНТ ЛОК-БУЁҚ ЗАВОДИ»

Марказий Осиёда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона. Бу соҳала 50 йиллик тажрибага эга.


Буёқ идишидаги қоғозда цехнинг тартиб рақами, фамилия, ой ҳамда йил курсатилган булсагина ҳақиқий завод маҳсулоти ҳисобланади.

СОТАДИ (нархи бир тоннаси учун, қўшимча қиймат солиғи билан бирга)

Саноат маҳсулотлари:

- НЦ-219 локи, мебел учун-298.000 сум.
- БТ-51 локи-41.300 сум.
- «Оксол» олифи-150.000 сум.
- ПФ-115 эмали, кук, туқ жигар, туқ яшил, пистоки, қизил, қора рангли - 160.000-220.000 сум.
- ПФ-266 эмали, сарғиш жигаранг-212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали - 242.000 сум.
- ПФ-223 оқ эмали - 224.000 сум.
- ПФ-1147 эмали, туқ яшил;
- Йулларда ҳошия чизишда ишлатиладиган эмал- 177.000 сум.
- Том учун буёқ - 153.400 сум.
- КЧ-2141 эмали, оқ, очик кук, очик пистоки;
- МА-22 буёғи, очик кук - 200.600 сум.
- ВД-АК-229 сув-эмулсия буёғи, оқ -73.400 сум.
- ГФ-0163 -118.000 сум.
- КБ буёғи - 35.400 сум.

ТЕЛ: 68-79-45



Халқ истеъмоли моллари:

- ПФ-223 оқ эмали, 4 кг.ли идишда - 218.300 сум.
- ВД-ВА-2245 буёғи, оқ, 5-7 кг.ли идишда;
- ПФ-266 сарғиш жигаранг эмал, пол учун, 3 кг.ли идишда - 212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали, 3 кг.ли идишда - 242.000 сум.
- «Оксол» олифи - 150.000 сум.
- Том учун буёқ - 160.000 сум.

Чекланмаган миқдорда сотиб олади:

- Глицерин; -Метал цинк;
- 0.8 КПли пўлат тулука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм;
- Пангаэритрит; -Фтал ангедрид;
- № 25 ли оқ тулука; -Пўлат чиқитлар (лом);
- Пўлат тулука, қалини.

ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-51.

Оила ва жамият

Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамгармаси

Шioriимиз: Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20 Котибият - 34-86-91 Ўйлонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ Тошкент- 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй. Босишга топшириш вақти -20.00 Босишга топширилди - 19.30

Ҳомий «Матбуот таркатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177

Руйхатга олиш № 33 Буюртма Г- 0836 28943 нусхала чоп этилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ. Чоршанба кунлари чиқади. Баҳоси эркин нарҳда. Навбатчи Даврон БЕК